

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛИКУЛОВ ФАРХОД ОЛИМОВИЧ

**“БОДРИНГНИ (*Cucumis sativus* L.) ОЧИҚ МАЙДОНЛАРДА СИМБАҒАЗ
УСУЛИДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛАШТИРИШ”**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences

Боликулов Фарход Олимович

Бодрингни (*Cucumis sativus* L.) очик майдонларда симбағаз усулида
етиштириш технологиясини такомиллаштириш”..... 3

Боликулов Фарход Олимович

"Совершенствование технологии выращивания огурца (*Cucumis sativus* L.)
шпалерным способом в открытом грунте" 19

Bolikulov Farxod Olimovich

“Improving the technology of growing cucumber (*Cucumis sativus* L.) by trellis
in open ground” 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БОЛИКУЛОВ ФАРХОД ОЛИМОВИЧ

**“БОДРИНГНИ (*Cucumis sativus L.*) ОЧИҚ МАЙДОНЛАРДА СИМБАҒАЗ
УСУЛИДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛАШТИРИШ”**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Qx376 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyounet» Ахборот тақлим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юнусов Салоҳиддин Атхамович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Санаев Собир Топирович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ходжимуратов Фуркат Абдиқаримович кишлоқ хўжалик фанлари номзода
Етакчи ташкилот:	Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022. Qx.13.04 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил 28 август соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; э-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№549154-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 16 август куни тарқатилди.
(2023 йил 24 июлдаги 46-рақамли реестр баённомаси).



Э.Т. Бердиев
Илмий раҳбарлар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов
Илмий раҳбарлар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент

С.А. Юнусов
Илмий раҳбарлар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сабзавотларни кунлик истеъмол эҳтиёжини таъминловчи соғлом овқатланишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабзавот турларидан бодринг асосий экинлардан бири бўлиб, уни етиштириш ҳажмини ошириш ва маҳсулот сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади. “Дунё бўйича бодринг экилган умумий майдонлар 2 млн. 454 минг гектарни, ялпи маҳсулот ҳажми эса 80,6 млн. тоннани ташкил этмоқда. Ялпи маҳсулот ҳажми бўйича сўнгги йилларда Хитой (61,9 млн. тонна), Эрон (1,7 млн тонна), Россия (1,9 млн тонна), Туркия (1,8 млн тонна) ва АҚШ (802 минг тонна) етакчи давлатлардан ҳисобланади”.¹ Ҳозирда бодрингни очик майдонларда симбағаз усулида етиштиришга мос нав ва дурагайларни яратиш, ҳосилдорликни ошириш бўйича замонавий агро техник тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирда бодринг етиштириш ҳажмини кўпайтиришга талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу боис бодринг етиштиривчи етакчи мамлакатлардан, Хитой, Россия, Туркия ва Эронда бодрингни очик майдонда симбағаз усулида етиштиришга мос бўлган, истикболли 100 дан ортиқ янги нав ва дурагайлари яратилган. Шундай бўлсада бугунги кунда бодрингни ноқулай иқлим шароитларига бардошли юқори ҳосилдор нав ва дурагайларни яратиш, бодринг ҳосилини сифатли етиштиришда, симбағаз усулидан фойдаланиш ва юқори ҳосил олиш, бодринг мевалари тан нарҳини камайтириш муҳим ҳисобланади.

Республикада сабзавотчилик, жумладан бодрингни ананавий усулда етиштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб муайян натижаларга эришилган. Лекин ҳозирда замонавий технологиялар асосида очик майдонларда симбағаз усулида бодринг етиштириш ва уни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги 60-сонли Фармонининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга бағишланган 3.30-бандида ҳам «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 бараварга ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 % га етказиш» масаласи муҳим стратегик масалалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Бугунги кунда сабзавотчилик тармоғини бошқариш, тизимни тубдан ислоҳ қилиш, очик майдонларда симбағаз усулида бодринг етиштириш ҳажмини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш борасида изчил чоралар амалга оширилаётганлиги сабабли, бодрингни очик майдонда симбағаз усулида етиштириш технологиясини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52-сон “Мева-сабзавотчилик

¹statinformatoin.ru/sel/ogurec.html.

соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий уствор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» уствор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бодринг кўчатларини тайёрлаш ва симбағаз усулида етиштириш бўйича дунёда олимлардан G. Botos, P. Pados, P. Balogh, A. Gyula, L. Jozsef, K. Berents, R. Dueyvesteyn, A. Matvies, R. Salolar томонидан ўрганилган бўлса, МДХ мамлакатларида Л.Годнев, М.Е.Деревенча, А.В.Константинович, В.И.Терехова, Л.А.Чистякова, Э.Сидорова ҳамда бодрингни очик майдонда тик симбағазда етиштириш самарадорлиги бўйича Ўзбекистонда эса С.А.Юнусов, бодринг кўчатини ўстирувчи моддалар, яъни розалин ва ХИБ (З.И.Цой), нитролин (С.С.Асатова), тиомочевина, ИУК, гидрел, этрел, дигидрел, композан (Е.Е.Талалова, В.И.Зуев ва Х.Ч.Бўриев, С.М.Меджитов), (Т.Г.Мўминов), гумат натрий (А.М.Аббосов ва бошқ.), НУК ва гибберлин кислотаси ГКз (М.Ю.Ибрагимов) ни қўллаш самараси аниқланган. Бодринг ўсимлигининг мақбул экиш схемаси бўйича Ўзбекистонда О. Қодирхўжаев, М.Ю. Ибрагимов, Н.Э.Эшонқулов, Ф.А.Хожимуратов ва С.А.Юнусовлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Аммо шу кунга қадар бодринг ўсимлигини ноодатий усулда, яъни очик майдонда тик симбағазда усулда кўчатидан етиштириш ва ушбу усулда ўсимликка ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш ҳамда турли экиш схемалари бўйича Ўзбекистонда илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган. Шунинг учун юқоридаги агроусулларни такомиллаштириш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тошкент давлат аграр университети Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик кафедрасининг № 7.1-рақамли «Ўзбекистонда сабзавот ва полиз экинлари турларини етиштиришнинг инновацион технологияларини илмий асослаш ва такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2020-2025).

Тадқиқотнинг мақсади бодрингни очик майдонларда тик симбағаз усулда етиштириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бодрингни очик майдонларда тик симбағаз усулда етиштиришга мос навни яратиш ва нав танлаш;

бодрингни очик майдонларда тик симбағаз усулда етиштиришда ўстирувчи моддалар таъсирини аниқлаш;

бодрингни асосий ва такрорий муддатларда тик симбағаз усулда етиштиришда кўчатидан экиш самарадорлигини аниқлаш;

бодрингни очик майдонларда тик симбағаз усулда етиштиришда мақбул экиш схемасини аниқлаш;

бодрингни очик майдонларда тик симбағаз усулда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бодрингни 11 та нав намуналари, 6 та тизимлар ўсимлиги, мевалари, 4 та экиш схемаси, 3 та кўчат ёши ҳамда 3 та ўстирувчи моддалар хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бодрингни очик майдонда етиштирилган нав намуналарини баҳолаш, симбағазда етиштириш учун истиқболли нав намуналарини ажратиш; уруғларга ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш усуллари ва уларни таъсири; симбағазда етиштиришда ҳосилдорлик кўрсаткичларига, кўчат ёши ва мақбул экиш схемаларини таъсири хизмат қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда дала тажрибаларини ўтказишда фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар, ҳосил миқдори ва товарбоплик сифати бўйича кузатувлар олиб борилган. Кузатув ва ҳисоблаш ишлари умум қабул қилинган талабларга мос равишда ўтказилган. Тажрибалар 4 қайтариқда олиб борилган. Тадқиқот натижаларини статистик тахлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида дисперсион тахлил усули бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бодрингни тик симбағазда етиштиришга мос Севинч нави яратилган ва унга Интеллектуал мулк агентлигидан патент (NAP 00270) олинган;

бодрингни тик симбағазда етиштиришга мос истиқболли 4 та - Фантина, Суперина, Бейт-Альфа дурагайлари ва Севинч нави ажратилган;

бодрингни тик симбағазда етиштиришда Фантина ва Суперина дурагайларига Ifo Seed препарати қўлланилганда, назоратга нисбатан 44 % юқорилиги) смарадорлиги аниқланган;

бодрингни тик симбағазда кўчатидан экиб етиштиришда 15 кунлик кўчатларни асосий муддатда экиш ҳосилдорликни 19,0 т/га, такрорий муддатда эса 23,9 т/га оширганлиги исботланган;

бодрингни тик симбағазда етиштиришда мақбул ($\frac{90+50}{2} \times 30$ см) экиш схемаси юқори (65,2 т/га, 176 млн. 475 минг сўм/га) самарадорликка эришганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бодрингни тик симбағазда етиштиришга мос Севинч нави давлат нав синовидан мувофақиятли ўтиб, Давлат реестрига киритилган;

бодрингни тик симбағазда етиштиришга мос Ўзбекистон учун истиқболли 4 та Фантина, Суперина, Бейт-Альфа дурагайлари ва Севинч нави ажратилган ва кенг миқёсда симбағаз усулда экишга тавсия этилган;

ўсишни бошқарувчи моддалардан Zerebra-Agro, Ifo Seed, Плантастимни бодрингни симбағазда етиштиришда ўсимлик уруғларини ивитиш усули юқори самара бериши аниқланган;

бодрингни тик симбағазда етиштириш учун экиш схемаси $\frac{(90+50)}{2}$ x 30 см, ўсимлик қалинлиги 47619 ўсим/га энг мақбул вариант эканлиги аниқланган;

бодрингни очик майдонда Ўзбекистон шароитида тик симбағаз усулда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган, мақбул экиш схемаси тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий-тадқиқот ишлари математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижалари республика, халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинганлиги, илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бодрингни очик майдонда тик симбағаз усулда етиштириш учун истиқболли навлар ажратилганлиги ва янги Севинч нави яратилганлиги ҳамда ушбу навларга ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш самарадорлиги аниқланган. Бодрингни тик симбағазда етиштиришда кўчатидан экиш ва мақбул экиш схемаси самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлари натижаларининг амалий аҳамияти очик майдонда тик симбағаз усулда етиштириш учун Севинч нави Давлат реестрига киритилди. Zerebra-Agro, Ifo Seed, Плантастим ўстирувчи моддаларини ўсимлик уруғларини ивитиш экиш самарадорлиги аниқланганлиги, симбағазда етиштириш учун энг мақбул экиш схемаси $\frac{(90+50)}{2}$ x 30 см, ишлаб чиқилганлиги, бодрингни очик майдонда тик симбағаз усулда етиштиришда Супрена F1, Бейт-Алфа F1, Фантина F1 ва Севинч нав намуналарини экиш самарадорлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бодрингни (*Cucumis sativus* L.) очик майдонларда симбағаз усулида етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

очик майдонларда бодрингни симбағаз усулида кўчатларидан етиштириш ишланмаси Андижон вилояти Асака туман “SAMARAGROZOOVETSERVIS” МЧЖ нинг хўжалик майдонида 0,50 га очик майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги №07/33-04/2244-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 га майдондан ўртача 84,9 т/га ҳосил етиштиришга, яъни бодрингни уруғидан етиштиришга таққосланганда 39 % юқори самарадорликка эришилган;

очик майдонларда бодрингни кўчатларидан тик симбағаз усулида етиштириш ишланмаси Андижон вилояти Олтинкўл тумани “GREEN VALLEY SEEDS” хусусий корхона хўжалигида 0,60 га очик майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги №07/33-04/2244-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 га майдондан ўртача 93,2

т/га ҳосил етиштиришга, яъни бодрингни уруғидан етиштиришга таққосланганда 26 % юқори самарадорликка эришилган;

очик майдонларда бодрингни кўчатларидан тик симбағаз усулида етиштириш ишланмаси Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази” нинг хўжалик майдонига 0,20 га очик майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги №07/33-04/2244-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 га майдондан ўртача 83,3 т/га ҳосил етиштиришга, яъни бодрингни уруғидан етиштиришга таққосланганда 36 % юқори самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 4 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Бодринг кўчатларини етиштириш ва симбағаз усулида етиштириш технологиясининг назарий ва амалий асослари” (адабиётлар шархи)** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республика олимларининг диссертация мавзуси юзасидан олиб борган илмий тадқиқотлари ва илмий манбалари шарҳланган. Бунда бодрингни нав ва дурагайлари морфобиологик хусусиятлари, бодринг кўчатини етиштиришда ўстирувчи моддалар таъсири, бодринг кўчатларини тайёрлаш ва тик симбағаз усулида етиштириш технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароитлари ва**


услуглари” деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иклим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг “Тадқиқот ўтказиш жойининг табиий-иклим шароитлари” ва “Тажрибанинг мақсади, вазифаси, объекти ва услуги” бўлимларида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказиш услуги, дала тажрибалари тизими, тажрибалар юзасидан кузатувлар ва ўлчовлар олиб борилган.

Диссертациянинг **“Бодрингни очик майдонларда симбағазда етиштиришда истиқболли нав намуналарини ажратиш”** деб номланган учинчи бобида бодрингни симбағазда етиштиришда нав намуналарини танлаш ва ажратиш ҳамда истиқболли навларни яратиш бўйича натижалари баён этилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Бодрингни симбағазда етиштириш учун мос нав намуналарини яратиш” деб номланган бўлимида 2013-2019 йиллар давомида очик майдонларда симбағазда етиштириш учун комплекс қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган ва айрим касалликларига чидамли бўлган истиқболли 15-0 тизмаси билан Орзу F1 дурагайини чатиштириш селекцион жараён натижалари келтирилган.

Бодрингнинг янги яратилган “Севинч” нави 2020 йил 26 февралда Ўзбекистон республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган ва республиканинг барча ҳудудларига экишга тавсия этилган. Янги “Севинч” нави учун Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2020 йил 20 мартда № 00270 рақамли патент олинган.

Диссертациянинг “Бодрингни симбағазда етиштириш учун мос нав намуналарини ажратиш” деб номланган бўлимида бодрингни симбағаз усулда етиштиришда одатдаги етиштириш усулига таққослаган ҳолда 11 нав намуналари нав синови (2017-2018 йй.) ўтказилган.

Тадқиқот натижасида бодрингни умумий ҳосил, товарбоп ҳосил ва товарбоп ҳосилнинг умумий ҳосилдаги улуши ҳамда меваларнинг ўртача вазни аниқланди. Меваларнинг ўртача вазни стандарт Узбекский 740 навида 152,3 г ни ташкил этиб, қолган нав намуналарида эса 65,7 г дан 112,3 г гачани ташкил этган. Навларнинг товарбоп ҳосили стандарт навга қараганда симбағазда етиштирилганда юқори бўлиб, Узбекский 740 нави 57,2 т/га ни, биргина Хитой 1755 нави стандардан паст, яъни 54,2 т/га, қолган навлар эса стандарт навдан юқори, яъни 67,7-80,2 т/га ни ташкил этди. Тажрибада товарбоп ҳосил навлараро энг юқори кўрсаткичга эга бўлган намуналар Фантина, Суперина, Бейт-Альфа дурагайлари ва Севинч навлари бўлди (1-расм).



1-расм. Бодринг нав намуналарини симбағазда етиштиришнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2017-2018 йй.).

Диссертациянинг “**Бодрингни симбағаз усулда етиштиришда маҳсулдорлигига ўсишни бошқарувчи моддалар ҳамда турли кўчат ёшини қўллашнинг илмий асослари**” деб номланган тўртинчи бобида бодринг ўсимлигини етиштиришда янги ўстирувчи моддаларнинг таъсири ва кўчатидан етиштириш самарадорлиги ўрганилган. Ушбу бобони “Бодринг симбағаз усулда етиштиришда маҳсулдорлигига ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири” деб номланган бўлимида, бодринг уруғларини унувчанлигини ва маҳсулдорлигини оширишда ўстирувчи моддаларнинг ижобий таъсири баён этилган (1-жадвал).

Тажрибада уруғларга ишлов бериш, яъни ивитиб экишда, Плантастим (10 г/л), Zerebra-Agro (100 мг/л), Ifo Seed (2 г/л) каби препаратларидан фойдаландик ва назорат сифатида бодринг уруғларини оддий сувда ивитилди.

Олиб борилган тадқиқот давомида бодринг мевасини ўртача вазни, умумий ҳосил миқдори, товарбоп ҳосил ва унинг улуши ҳамда назоратга нисбати аниқланди Бунда меванинг ўртача вазни бўйича Фантина ва Севинч навлари 85-99 г ни ташкил этиб, нисбатан майда мевали эканлиги маълум бўлди. Суперина ва Бейт Алфа навлари эса нисбатан йирик мевали бўлиб, 102-110 г ни ташкил этган. Тадқиқотда стимуляторлар қўллаш натижасида нав намуналарининг меваси нисбатан энг йирик бўлган, Плантастим моддасини қўллаш Бейт-Алфа дурагайини 110 г га оширганлиги маълум бўлди.

Товарбоп ҳосил миқдори бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бодрингни турли навларига сув билан ишлов берилган назорат вариантларда 63,6-66,3 т/га ни ташкил этди. Ўсишни бошқарувчи моддалар қўлланган вариантларда эса назорат вариантга нисбатан 23-44 фоизга юқори товарбоп ҳосил берганлиги аниқланди.

1-жадвал

Бодринг ўсимлигини симбазада етиштиришда турли ўсишни бошқарувчи моддалар қўллашни ҳосилдорликка таъсири (2019-2022 йй.).

Нав намуналари	Ўсишни бошқарувчи моддалар	Меванинг ўртача вазни, г	Умумий ҳосил, т/га	Товарбоп ҳосилнинг улуши, %	Товарбоп ҳосил, т/га	Назоратга нисбатан, %
Фантина F1	сув билан ишлов бериш (<i>назорат</i>)	85,3	68,6	92,7	63,6	100
	Zerebra Agro-100 мг/л	95,8	81,4	95,6	77,8	122
	Плантастим-10 гр/л	99,0	93,3	98,1	91,1	143
	Ifo Seed-2 гр/л	98,5	93,3	98,5	91,9	144
Суперина F1	сув билан ишлов бериш (<i>назорат</i>)	98,2	69,3	92,5	64,1	100
	Zerebra Agro-100 мг/л	108,6	82,3	97,5	80,2	125
	Плантастим-10 гр/л	112,1	93,4	98,2	91,7	143
	Ifo Seed-2 гр/л	111,0	93,4	98,5	92,0	144
Бейт-Алфа F1	сув билан ишлов бериш (<i>назорат</i>)	105,6	70,7	93,8	66,3	100
	Zerebra Agro-100 мг/л	113,2	84,0	97,2	81,6	123
	Плантастим-10 гр/л	120,5	94,3	99,6	93,9	142
	Ifo Seed-2 гр/л	115,6	94,3	99,0	93,3	141
Севинч нави	сув билан ишлов бериш (<i>назорат</i>)	86,7	70,0	94,0	65,8	100
	Zerebra Agro-100 мг/л	93,9	83,1	97,8	81,3	124
	Плантастим-10 гр/л	95,6	94,3	98,1	92,5	141
	Ifo Seed-2 гр/л	97,1	94,3	98,5	92,9	141
ЭКМФ ₀₅		6,4	5,8		5,2	
Sx%		3,2	4,3		3,0	

Бунда энг юқори натижани Фантина ва Суперина дурагайларига Ifo Seed препаратини 2 гр/л қўлланган вариантида 91,9-92,0 т/га ёки назоратга нисбатан 44 фоиз юқорилигини кўрсатган. Қолган препаратлар қўлланган вариантларда эса назоратга нисбатан 22-43 фоиз кўп товарбоп ҳосил берганлиги маълум бўлди. Бодрингни симбазада етиштиришда турли ўсишни бошқарувчи моддалар билан уруғларига ишлов беришнинг самарадорлиги тажрибада исботланди.

Диссертациянинг “Очиқ майдонда бодрингни симбазада усулда кўчатидан етиштиришнинг махсулдорлигига таъсири” деб бўлимида очиқ майдонда бодрингни 10, 15 ва 20 кунлик кўчатларидан етиштирилганда майдондаги ўсимлик сони, пояларини шаклланиши, гуллаши, мева тугуши, меваларининг пишиб етилиши ва мева бериши давомийлиги бўйича фенологик ва биометрик

кузатувлар олиб борилди (2-расм).



2 -расм. а) кўчатларни тайёрлаш жараёни



б) кўчатларни далада тутувчанлиги



в) симбағаз усулида бодринг етиштириш

Тажрибада ҳар бир теримдаги ҳосил миқдорини санаш, мевалар вазнини аниқлаш товарбоп ва нотовар ҳосил ажратилган. Бунда меванинг ўртача вазни назорат вариантда Фантина F1 дурагайида 92,4 граммни, Суперина F1 дурагайида 105,8 граммни, Бейт-Алфа F1 дурагайида 107,4 граммни ва Севинч навида эса 98,3 граммни ташкил этган.

2-жадвал

Бодрингни асосий муддатда симбағаз усулда кўчатидан етиштиришнинг ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири (2019-2022 й.й.)

Нав ва намуналари	Вариантлар	Меванинг ўртача вазни, г	Умумий ҳосил, т/га	Товарбоп ҳосилнинг улуши, %	Товарбоп ҳосил, т/га	Назоратга нисбатан %
Фантина F1	уруғи билан экиш (назорат)	92,4	74,2	94,3	70,0	100
Суперина F1		105,8	75,5	94,7	71,5	100
Бейт-Алфа F1		107,4	77,3	95,0	73,4	100
Севинч нави		98,3	76,4	94,5	72,2	100
Фантина F1	10 кунлик кўчатни экиш	97,0	61,7	94,0	58,0	82,8
Суперина F1		106,3	64,3	95,4	61,3	85,7
Бейт-Алфа F1		110,6	67,7	96,3	65,2	88,8
Севинч нави		99,6	64,3	96,2	61,8	85,5
Фантина F1	15 кунлик кўчатни экиш	98,0	94,0	95,2	89,5	127,8
Суперина F1		108,9	95,2	96,0	91,4	127,8
Бейт-Алфа F1		110,7	96,1	97,0	93,2	126,9
Севинч нави		100,5	96,0	96,5	92,6	128,2
Фантина F1	20 кунлик кўчатни экиш	97,2	71,1	95,0	67,5	96,4
Суперина F1		107,0	72,9	96,1	70,0	97,9
Бейт-Алфа F1		109,8	74,0	97,2	71,9	97,8
Севинч нави		99,7	73,1	96,4	70,5	97,6
ЭКМФ 05		41,4			3,7	
Sx%		3,6			3,9	

Бодрингни 10 кунлик кўчатлари экилган вариантда таварбоп ҳосил миқдори бўйича Фантина F1 дурагайида 58,0 т/га ни, Суперина F1 дурагайида 61,3 т/га ни, Бейт-Алфа F1 дурагайида 65,2 т/га ва Севинч навида эса 61,8 т/га ни

ташқил этган. 15 кунлик кўчати экилган вариантда таварбоп ҳосил бўйича Фантина F1 дурагайида 89,5 т/га ни, Суперина F1 дурагайида 91,4 т/га, Бейт-Алфа F1 дурагайида 93,2 т/га ни ва Севинч навида эса 92,6 т/га ни ташқил этганлиги маълум бўлди. 20 кунлик кўчати экилган вариантда таварбоп ҳосил бўйича Фантина F1 дурагайида 67,5 т/га ни, Суперина F1 дурагайида 70,0 т/га ни, Бейт-Алфа F1 дурагайида 71,9 т/га ни ва Севинч навида эса 70,5 т/га ни ташқил этган. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, назоратга нисбатан яъни очиқ майдонда уруғидан етиштирилганда кўчатларидан етиштирилганга нисбатан таварбоп ҳосил миқдори энг юқори кўрсаткич 15 кунлик кўчат экилган вариантда 19,5-20,4 т/га юқори бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).

Диссертациянинг **“Бодрингни очиқ майдонда сим бағаз усулда етиштиришда турли экиш схемаларини ўсимлик ўсиб ривожланишига таъсири илмий асослаш”** деб номланган бешинчи бобида бодрингни тик симбағаз усулда етиштиришда турли экиш схемаларининг самарадорлиги аниқланган. Ушбу бобнинг **“Бодрингни очиқ майдонда сим бағазда етиштиришда турли экиш схемаларини ўсимлик ўсиб ривожланишига таъсири”** номли бўлимида бодринг маҳсулдорлигига турли экиш схемаларини таъсири ўрганилган. Бунда назорат сифатида $\frac{140+70}{2} \times 40 \text{ см} = 0,42 \text{ м}^2$ ўлчамдаги экиш схемаси олиниб, $\frac{90+50}{2} \times 20 \text{ см} = 0,14 \text{ м}^2$, $\frac{90+50}{2} \times 30 \text{ см} = 0,21 \text{ м}^2$ ва $\frac{90+50}{2} \times 40 \text{ см} = 0,28 \text{ м}^2$ вариантлар таққосланиб ўрганилди.

Тадқиқот натижасида турли экиш схемаларининг бодринг ҳосилдорлигига таъсири кузатилганда кўчатлари $\frac{140+70}{2} \times 40 \text{ см}$ экиш схемасида экилганда барча нав ва дурагайларда таварбоп ҳосил миқдори кўйидагича бўлиб, жумладан Фантина F1 дурагайида 24,8 тонна Суперина F1 25,4 тонна, Бейт-алфа F1 26,8 тонна, Севинч навида эса 26,1 тонна умумий ҳосилдорлик кузатилган бўлса, ўртача 92,7 % таварбоп ҳосил улиши мавжуд эканлиги аниқланган (3-жадвал).

Кўчатлар $\frac{90+50}{2} \times 20 \text{ см}$ схемада экилганда бир гектар майдондаги ўртача ҳосилдорлик, Фантина F1 дурагайида 75,6 тонна Суперина F1 78,9 тонна, Бейт-алфа F1 81,0 тонна, Севинч навида эса 80,0 тонна ҳосил олинганлиги кузатилди. Ўртача таварбоп ҳосил улиши 87,6 % эканлиги аниқланди.

Кўчатлар $\frac{90+50}{2} \times 30 \text{ см}$ схемада экилганда бир гектар майдондаги ўртача ҳосилдорлик, Фантина F1 дурагайида 90,3 тонна Суперина F1 91,4 тонна, Бейт-алфа F1 93,6 тонна, Севинч навида эса 92,5 тонна ҳосил олинганлиги аниқланди. Ўртача таварбоп ҳосил улиши эса 96,5 % эканлиги кузатилди.

Кўчатлар $\frac{90+50}{2} \times 40 \text{ см}$ схемада экилганда бир гектар майдондаги ўртача ҳосилдорлик, Фантина F1 дурагайида 67,9 тонна Суперина F1 69,3 тонна, Бейт-алфа F1 70,8 тонна, Севинч навида эса 70,0 тонна ҳосил олинганлиги кузатилди. Ўртача таварбоп ҳосил улиши эса 97,2 % эканлиги кузатилди.

3-жадвал

Бодринг нав ва дурагайларини кўчатидан етиштиришда турли экиш схемаларини меванинг вазни, ҳосилдорлиги ва товарбоп ҳосил миқдорига таъсири (2020-2022 йй.).

Нав намуналари	Вариантлар	Меванинг ўртача вазни, г	Умумий ҳосил, т/га	Товарбоп ҳосилнинг улуши, %	Товарбоп ҳосил, т/га	Назоратга нисбатан %
Фантина F1	$\frac{140 + 70}{2} \times 40$ см (назорат)	101,5	27,4	90,5	24,8	100
Суперина F1		110,7	27,7	91,8	25,4	100
Бейт-Алфа F1		115,9	28,0	95,7	26,8	100
Севинч нав		104,3	27,9	93,8	26,1	100
Фантина F1	$\frac{90 + 50}{2} \times 20$ см	86,3	88,1	85,8	75,6	304,8
Суперина F1		104,8	89,2	88,5	78,9	310,6
Бейт-Алфа F1		108,3	90,7	89,3	81,0	302,2
Севинч нав		97,7	90,0	88,9	80,0	306,5
Фантина F1	$\frac{90 + 50}{2} \times 30$ см	90,6	93,4	96,7	90,3	364,1
Суперина F1		105,8	94,1	97,1	91,4	359,8
Бейт-Алфа F1		112,1	94,9	98,7	93,6	349,2
Севинч нав		100,1	94,4	98,0	92,5	354,4
Фантина F1	$\frac{90 + 50}{2} \times 40$ см	91,0	70,0	97,1	67,9	273,8
Суперина F1		105,5	71,0	97,7	69,3	272,8
Бейт-Алфа F1		114,7	71,7	98,8	70,8	264,1
Севинч нав		102,5	71,3	98,2	70,0	268,2
ЭКМФ ₀₅		8,8			12,6	
Sx%		4,6			4,2	

Олиб борилган тажриба назорат сифатида экилган нав намуналари ҳосилдорлигига нисбатан кўчатлар ораси 20 см қилиб экилган вариантда 302,2-310,6 фоизгача, кўчатлар ораси 30 см қилиб экилган вариантда 349,2-364,1 фоизгача ва кўчатлар ораси 40 см қилиб экилган вариантда эса 264,1-273,8 фоизгача фарқланиши кузатилган. Бундан кўриниб турибдики, назоратга нисбатан 273,8 фоиз энг юқори кўрсаткич бодрингни Фантина дурагайида кузатилди. Қолган нав намуналарида ҳам назоратга нисбатан ҳосилдорлик юқори эканлиги маълум бўлди.

Тажрибада бодрингни очик майдонларда симбағазда етиштириш кўшимча ҳаражатлар (қатор оралари 20 см ли схемада 21691 минг сўм/га, қатор оралари 30 см ли схемада 22425 минг сўм/га ва қатор оралари 40 см ли схемада 18564 минг сўм/га) ни юқорилигига қарамай иқтисодий самара берди. Бу албатта кўшимча товарбоп ҳосил билан боғлиқ бўлди. Бодрингни симбағаз усулда ҳар бир гектардан турли экиш схемалараро 53,8; 66,3 ва 43,8 т/га кўшимча товарбоп ҳосил олинди ва кўшимча даромад эса қатор оралари 20 см ли экиш схемада – 139 млн. 709 минг сўм/га, қатор оралари 30 см ли схемада – 176 млн. 475 минг

сўм/га, қатор оралари 40 см ли схемада – 112 млн. 836 минг сўм/га ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, бодрингни симбағазда очик майдонларда етиштириш учун $\frac{(50+90)}{2}$ х 30 см схемасида экиш энг юқори иқтисодий самарадорликка эришилган. Бодрингни очик майдонларда симбағазда етиштиришда кўшимча ҳаражатлар юқорилигига қарамай иқтисодий фойда олинган ва аҳоли томорқа ҳамда фермер хўжаликлари майдонларига ушбу технологияни қўллаш яхши самара беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Бодрингни очик майдонларда тик симбағазда етиштириш учун янги "Севинч" нави 2020 йил 26 февралда Ўзбекистон республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилди ва республиканинг барча ҳудудларига экишга тавсия этилди. Янги "Севинч" нави учун Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2020 йил 20 мартда № 00270 рақамли патент олинган.

2. Бодрингни очик майдонда симбағаз усулда 11 та нав намуналари ичидан энг самарали ва истиқболли деб топилган 4 та - Фантина, Суперина, Бейт-Альфа дурагайлари ва Севинч нави ажралиб чиқди. Ушбу нав намуналари ичида стандарт Узбекский 740 нави 57,2 т/га товарбоп ҳосил берган бўлиб, биргина Хитой 1755 нави стандардан паст, яъни 54,2 т/га, қолган навлар эса стандарт навдан юқори, яъни 67,7-80,2 т/га ни ташкил этди. Тажрибада товарбоп ҳосил навлараро энг юқори кўрсаткичга эга бўлган намуналар Фантина, Суперина, Бейт-Альфа дурагайлари ва Севинч навлари бўлди.

3. Бодрингни турли навларига ўстирувчи моддаларни таъсирини ўрганишда товарбоп ҳосил миқдори сув билан ишлов берилган назорат вариантларда 63,6-66,3 т/га ни ташкил этди. Стимуляторлар қўлланган вариантларда эса назорат вариантга нисбатан 23-44 фоизга юқори товарбоп ҳосил берганлиги аниқланди. Бунда энг юқори натижани Фантина ва Суперина дурагайлариغا Ifo Seed препаратини 2 гр/л қўлланган вариантида 91,9-92,0 т/га ёки назоратга нисбатан 44 фоиз юқорилигини кўрсатган. Қолган препаратлар қўлланган вариантларда эса назоратга нисбатан 22-43 фоиз кўп товарбоп ҳосил берганлиги маълум бўлди.

4. Товарбоп ҳосилнинг улуши 92,5 фоиздан 99,6 фоизгача оралиқни ташкил этди. Энг юқори натижага Бейт-Алфа дурагайига Плантастим моддасини қўлланган вариантида эга бўлган, нисбатан паст улушга эга бўлган Суперина дурагайини сув билан ишлов берилган варианты бўлди. Тажрибада кўриниб турибдики, товарбоп ҳосилнинг улуши ортишига ўстирувчи моддаларни ижобий таъсири аниқланди.

5. Бодрингни баҳорги муддатада 15-20 кунлик кўчатлари экилганда сўнг ҳосилнинг биринчи терими 20-38 кунда, яъни назоратга нисбатан 18 кун эрта пишиб етилиши исботланди. Ҳосил бериш давомийлиги эса назорат вариантга нисбатан 15 ва 20 кунлик кўчатларни экилган вариантларда 28-32 кун кўп ҳосил берганлиги аниқланди.

6. Тадқиқот натижасида бодрингни 15-20 кунлик кўчатидан баҳорги ва такрорий экиш муддатида симбағаз усулида етиштирилганда нисбатан ўсимликнинг ер устки қисмини ўсиши ва ривожланиши кучли бўлган Фантина F1 ва Суперина F1 дурагайларида кузатилди. Фантина F1 дурагайида баҳорги ва такрорий муддатда асосий поянинг узунлиги 193,1-182,9 см, ён шохлар сони 4,7-4,2 донани, ён шохларнинг умумий узунлиги 210,3-201,0 см ва барглар сони 98-93 донани ташкил қилди. Суперина F1 дурагайида эса баҳорги ва такрорий муддатда асосий поянинг узунлиги – 201,9-185,0 см, ён шохлар сони – 2,2-2,0 донани, ён шохларнинг умумий узунлиги 76,4-75,6 см ва барглар сони 61-58 донани ташкил қилди.

7. Бодрингни асосий муддатда назоратга нисбатан 15 кунлик кўчатлар экилган вариантда умумий ҳосил миқдори 18,8-19,8 т/га юқори бўлганлиги ва таварбоп ҳосил миқдори бўйича 15 кунлик кўчатлар назоратга нисбатан 19,5-20,4 т/га юқори бўлганлиги аниқланди. Товарбоп ҳосил миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич 15 кунлик кўчати экилган вариантда Фантина F1 дурагайида 89,5 т/га ни, назоратга нисбатан 27,8 фоизга, Суперина F1 дурагайида 91,4 т/га, 27,8 фоизга, Бейт-Алфа F1 дурагайида 93,2 т/га ни, 26,9 фоизга ва Севинч навида эса 92,6 т/га ни, 28,2 фоизга юқори этганлиги маълум бўлди.

8. Бодрингни такрорий экин сифатида симбағазда етиштирилганда товарбоп ҳосил миқдори 15 кунлик кўчати билан экилган вариантда назоратга нисбатан 23,9-22,4 т/га ёки 39,1 ва 36,7 % юқори бўлганлиги аниқланди. Энг юқори товарбоп ҳосил Бейт-Алфа F1 дурагайида 84,9 т/га – 139,1 % ни ва Севинч навида эса 83,3 т/га – 136,7 % ни ташкил қилди.

9. Бодрингни симбағазда етиштиришда турли экиш схемаларида етиштиришда ўсимликнинг ер устки қисми кучли ўсгани Фантина дурагайида кузатилди. Нисбатан калта палак ва ихчам палакли деб топилган Бейт-алфа дурагайи аниқланди.

10. Турли экиш схемаларининг товарбоп ҳосил сифатига таъсири шуки, назорат сифатида экилган нав намуналари ҳосилдорлигига нисбатан кўчатлар ораси 20 см қилиб экилган вариантда 302-310 фоизгача, кўчатлар ораси 30 см қилиб экилган вариантда 349-364 фоизгача ва кўчатлар ораси 40 см қилиб экилган вариантда эса 264-273 фоизгача фарқланиши кузатилган. Бунда назоратга нисбатан 264 фоиз энг юқори кўрсаткич Фантина дурагайида кузатилди.

11. Ишлаб чиқаришда яъни симбағаз усулида асосий муддатда экиб етиштиришдан олинган қўшимча даромад қатор оралари 20 см ли экиш схемада – 139 млн. 709 минг сўм/га, қатор оралари 30 см ли схемада – 176 млн. 475 минг сўм/га, қатор оралари 40 см ли схемада – 112 млн. 836 минг сўм/га ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, бодрингни симбағазда очиқ майдонларда етиштириш учун $\frac{(50+90)}{2}$ х 30 см схемасида экиш энг юқори иқтисодий самарадорликка эришилган.

12. Бодрингни очиқ майдонда тик симбағазда етиштиришда қуйидагилар тавсия этилади: етиштириш учун юқори ҳосилли, ихчам палак, касалликларга

чидамли ва мазаси яхши бўлган Фантина, Суперина, Бейт-Альфа дурагайлари ва Севинч навларини экиш;

бодринг уруғига ишлов беришда ўстирувчи моддалардан Ifo Seed 2 гр/л ва Плантастим препаратини 10 гр/л миқдорда қўллаш;

бодрингни кўчатидан очиқ майдонга тик симбағаз усулда 15 кунлик кўчатларини экиш;

бодрингни кичик майдонларда, томорқа хўжаликларида тик симбағаз усулда $\frac{(90+50)}{2} \times 30$ см схемада, яъни пушталар ораси 90 см, қаторлар ораси 50 см ва кўчатлар ораси 30 см ли схемада экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БОЛИКУЛОВ ФАРХОД ОЛИМОВИЧ

**“СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ОГУРЦА
(*Cucumis sativus L.*) ШПАЛЕРНЫМ СПОСОБОМ В ОТКРЫТОМ
ГРУНТЕ”**

06.01.06 – Овощеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером В2023.2.PhD/Qx376.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Юнусов Салохиддин Атхамович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Санаев Собир Тоирович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Ходжимуратов Фуркат Абдикаримович кандидат сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Защита диссертации состоится 28 августа 2023 года в 9⁰⁰ ч. на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференцзал).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером 549154). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 16 августа 2023 г.
(реестр протокола рассылки № 46 от 24 июля 2023 г.).






Э.Т. Бердиев
Председатель Научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор



М.З. Халмуратов
Учёный секретарь Научного
совета по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., доцент



С.А. Юнусов
Председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется особое внимание на организацию здорового питания, обеспечивающего ежедневное потребление овощей. Огурец является одним из основных видов овощей, увеличение объемов выращивания которого и повышение качества продукции приобретают важное значение. “По всему миру общая площадь с посевами огурца составляет 2 млн. 454 тыс. гектаров, а объем валового продукта – 80,6 млн. тонн. По объему валового продукта в последние годы ведущими странами являются Китай (61,9 млн. тонн), Иран (1,7 млн. тонн), Россия (1,9 млн тонн), Турция (1,8 млн тонн) и США (802 тыс. тонн”.²

В настоящее время растет спрос на увеличение объема выращивания огурца, в связи с чем в ведущих странах по выращиванию огурца повышение его урожайности все еще остается актуальной задачей. В нашей стране в 2022 году огурец выращивали на площади более чем 25,7 тыс. гектаров и объем валового продукта составил более чем 890,4 тыс. тонн. К тому же рост численности населения и расширение объемов экспорта продукции приводят к росту спроса на продукцию. В связи с этим требуется выведение новых высокоурожайных сортов огурца и разработка инновационных технологических элементов выращивания огурца в открытом грунте.

В пункте 3.30 Указа Президента Республики Узбекистан УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”, посвященного ускоренному развитию национальной экономики и обеспечению высоких темпов роста, особо отмечаются как одна из важнейших стратегических задач “Увеличение доходов дехкан и фермеров как минимум в два раза с обеспечением ежегодного роста объемов сельского хозяйства не менее чем на 5 процентов за счет интенсивного развития сельского хозяйства и применения передовых достижений науки».

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит исполнению задач, намеченных в постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2520 “О мерах по совершенствованию системы закупок и использования плодоовощной продукции, картофеля и бахчевых культур” от 12 апреля 2016 года, Указа Президента Республики Узбекистан УП-5853 “О Стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2020-2030 годы” от 23 октября 2019 года, а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Приготовление рассад огурца и выращивание шпалерным способом изучали такие ученые мира, как G. Botos, P. Pados, P. Balogh, A. Gyula, L. Jozsef, К.Берентс, Р.Дуейвестэйн, А. Матвиец, Р.

², statinformatoin.ru/sel/ogurec.html.

Сало, научные исследования в странах СНГ по эффективности выращивания огурца в открытом грунте вертикальной шпалерой проводили Л.Годнев, М.Е.Деревенча, А.В.Константинович, В.И.Терехова, Л.А.Чистякова, Э.Сидорова, а в Узбекистане определяли на рассадах огурца эффективность применения стимуляторов роста, т.е. розалина, С.А.Юнусов, ХИБа (З.И.Цой), нитролина (С.С.Асатова), тиомочевины, ИУКа, гидрела, этрела, дигидрела, композана (Е.Е.Талалова, В.И.Зуев и Х.Ч.Буриев, С.М.Меджитов), (Т.Г.Муминов), гумата натрия (А.М.Аббосов и др.), НУКа и гибберлиновой кислоты ГКз (М.Ю.Ибрагимов). Следует также отметить, что по оптимальной схеме посева растений огурца научные исследования проводились в Узбекистане О. Кодирхужаевым, М.Ю. Ибрагимовым, Н.Э.Эшонкуловым, Ф.А.Хожимуратовым и С.А.Юнусовым.

